



ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
БРОНХИКУМ® С
BRONCHICUM® С

Препаратнинг савдо номи: Бронхикум® С

Дори шакли: пастилкалар.

Таркиби

1 пастилкага сақлайди:

Фаол компонент:

Тоғжамбул ўтининг суяқ экстракти -100 мг

Ёрдамчи компонентлар:

сахароза, повидон, левоментол, акация елими, цинеол, стеарин кислотаси, сувсиз коллоид кремний диоксиди, магний стеарати.

Фаол компонент таърифи: тоғжамбул ўтининг суяқ экстракти

(*Thymus vulgaris L.*, сем. *Lamiaceae*):

Экстрактни экстрагентга нисбати = 1:2-2,5

Экстрагент: аммиакни 10% эритмаси, 85% ли глицерин, 90% ли этанол (ҳажм бўйича), сув нисбатда (1 : 20 : 70 : 109).

Таърифи: Думалок, икки томони бироз қабарик, хира, ранги оч-сарикдан жигарранггача, сийрак доғлари бўлган пастилкалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Ўсимликдан олинадиган балғам кўчирувчи восита.

АТХ коди: R05CA10.

Фармакологик хусусиятлари

Балғам кўчирувчи ва муколитик таъсирга эга.

Бронхикум® С пастилкалари тоғжамбул ўтидан олинган эфир мойларининг компонентларини сақлагани туфайли бронхолитик, балғам кўчирувчи ва антибактериал таъсирга эга. Бронхлар шиллиқ қавати ажралмасининг суюлиши ва кўчирилиши кўпаяди, микроорганизмларнинг ўсиши ва кўпайиши бостирилади.

Қўлланилиши

Балғам кўчиши қийин бўлган йўтал билан кечувчи юқори нафас йўллариининг яллиғланиш касалликларини даволовчи симптоматик восита сифатида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Пастилкаларни оғизда сўриш керак.

Катталар ва 12 ёшдан катта болаларга 1-2 та пастилкадан кунига бир неча марта (3 мартагача) буюрилади.

6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга 1 та пастилкадан кунига 3 марта.

Препарат қўллашни давомийлиги касаллик симптомларининг яққоллигини даражаси ва унинг давомийлиги билан белгиланади.

Ножўя таъсири

Аллергик реакциялари (тери тошмалари, эшакеми, юз, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, томоқни ангионевротик шиши (Квинке шиши). Бу ҳолда препарат қабул қилиш тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига шахсий сезувчанлик, сурункали юрак етишмовчилиги (декомпенсация босқичидаги), буйраклар ва жигар фаолиятининг оғир етишмовчиликлари, 6 ёшгача бўлган болалар.

Ҳомиладорлик ва эмизикли даврида препаратни қўллаш тавсия этилмайди.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири

Йўталга қарши ва балғам ҳосил бўлишини камайтирадиган препаратлар билан бир вақтда қабул қилиш тавсия этилмайди, чунки бу суюлган балғамни йўтал билан кўчиб чиқишини қийинлаштиради.

Махсус кўрсатмалар

Пастилкалар. Бир пастилка 0,07 НБ (нон бирлиги) мувофиқ бўлганлиги туфайли, қандли диабет ва калорияси паст пархезда бўлган беморлар буни ҳисобга олишлари лозим.

Агар 5 кун давомида бемор ҳолати яхшиланмаса албатта шифокорга мурожаат қилиш зарурдир.

Камдан кам учрайдиган фруктозани туғма ўзлаштираолмаслик, глюкоза мальабсорбцияси ёки сахараза, изомальтаза етишмовчилиги бор беморларда препаратни қўллашда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим.

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

Чиқарилиш шакли

10 пастилкадан ПВХ/алюмин фольга блистерларда. 2 блистердан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картонли картон қутига жойланган.

Сақлаш шароити

+25°C дан паст бўлган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарилган:

Санофи-Авентис Сп. з о.о., Польша.

Ул. Любельска 52, 35-233 Жешув, Польша.